

## **ИЗЗАТ ҚАМҲАВИЙ ҲИКОЯЛАРИДА БАДИИЙ ЖАНРЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**Нурматова Мастура Махмудовна**

Ижтимоий ва сиёсий фанлар Институтини катта ўқитувчиси

**Отахонова Жамила Акбаралиевна**

ИСФИ 4 курс талабаси

Тел :+998933771013

e-mail: mastura-2020@mail. Ru

**Анотация :** Ушбу мақолада Миср адабиётининг ҳикоянавислик жанри ҳамда ушбу жанрда ижод қилаётган ёзувчи ҳамда журналист Иззат Қамҳавийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида баён этилди. Ёзувчининг биринчи ҳикоялар тўплами “حدث في بلاد التراب و التين” “Тупроқ ва лой диёрида содир бўлди” тўпламидаги бадиий жанрларнинг ҳикояларда ифодаланиши ва уларнинг бадиий образлари ифода этилди.

**Калитсўзлар:** Танқидчи, новелла, ёзувчи, наср, муаммо, ҳикоя, роман, тўплам, қайн она, келин, қишлоқ, қисмат

Миср бадиий адабиётида 80 –йиллар охирида ва ўзига жалб этувчи, мураккаб, лекин жуда қисқа баъзан бир неча қаторлардангина иборат ҳикоя бўлиши новелла жанрида ёзилган асарларга Миср танқидчилари жуда катта эътибор қаратадилар. “Жуда қисқа ҳикоялар ёки уксуса” деб номланган жанр Миср насрида янги йўналиш хисобланади. “Жуда қисқа ҳикоялар” да ёзувчи ўзи айтмоқчи бўлган турли фикрларни жуда қисқа , лўнда , ўта нозик дид билан уста фотограф каби аниқ ифода этиб беради.

Шу йўналишда ижод этаётган Муҳаммад Маҳзангий жуда иқтидорли ёзувчи саналади. Унга бу жанрда ёзилган икки тўплам “Келиб кетувчи” ва “ Пичоқлар ирғиши” тегишлидир.

Иззат Қамҳавий мисрлик ёзувчи ҳам журналист шу йўналишда ижод этаётган ёзувчилар сирасига киради. У Миср қишлоқларининг бирида 1961 йил туғилиб, Қоҳира университетининг журналистика факультетини тугатган. 2012 йил Нажиб Маҳфуз номли медальни “ Бўрилар уйи” романи учун қўлга киритди. Ҳозирда у Қоҳира шаҳрида истиқомат қилади. Иззат Қамҳавий ёш бўлишига қарамай анча истеъдод

соҳибидир. Унинг биринчи новеллалари тезда эл орасида шухрат қозонди. Иззат Қамҳавий бир неча бор телевизор орқали Мисрда муаммо бўлиб келаётган саводсизлика қарши чиқишлар қилган. Ҳамда ана шу муаммоларни ўзининг ҳикояларида ҳам кўтарган.

Ўзувчининг биринчи ҳикоялар тўплами “حدث في بلاد التراب و التين” “Тупроқ ва лой диёрида содир бўлди” номи билан 1992 йил чоп этилди. Бу тўпламни нашр этишдан мақсад шуки, инсонлар онгига ва фаҳмига ижодий таъсир кўрасатиб, уларнинг идрокини ҳаракатга келтиришдир.

Мазкур тўплам ўз ичига ўн битта ҳикояни олган. Ҳикоялар мазмун жиҳатдан бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Масалан, “ابدا هنية” “Ҳания ҳеч қачон нуқсонликка йўл қўймайди” ҳикоясида, ёзувчи қишлоқ оилаларининг турмуш тарзини, қайнона –келин ўртасидаги муносабатларни яққол кўрсатиб берган бўлса, “مزرعة المشمش” яъни “Ўрикзор” ҳикоясида, ёлғонга, фиромга илк бор дучор бўлган дучор бўлган, беғубор боланинг орзу –умидларининг пой-мол бўлишини тасвирлаган.

Иззат Қамҳавийнинг ҳикоялари нафақат Мисрда, балки бошқа араб адибларни бефарқ қолдирмайди. Хусусан Суданлик ёзувчи Сиддик Мухайси у ҳақда шундай дейди:

حدث في بلاد التراب و الطين احلام تحمل الحقيقة و حقائق و تحتل الوهم , حيث تتجلى ماساة الريف بصورة مفزعة و الانسحاق التراجمي للمرأة الريفية<sup>i</sup>

“Тупроқ ва лой диёрида содир бўлди” тўпламида орзулар ҳақиқат, ҳақиқатлар эса мавҳумликни ўз ичига олиш эҳтимоли борлиги, қишлоқ аёлларининг фожеавий хўрланиш ва қишлоқ фожеасини дахшатли суратда намаён этиш орқали очилади.

Тақризчи Муҳаммад Саъд абу-Жувд қуйидаги фикрни келтиради:

عالم الحلم و عالم الطفولة .... تجربة التفتح علي النشوة الاولى و الفجعية الاولى , الاحلام هنا مستحيلة رغم بساطتها , نشم رائحة التراب و الطين عبر الحفاوة بالميراث الشعبي و جماعة البشر المهمشين<sup>ii</sup>

“Орзу ва болалик олами.... Биринчи фожеа ва биринчи завқу-шовқин очишдаги тажрибаси,. Бу ерда орзулар оддий бўлишга қарамай, амалга ошмайди. Миллий мерос ва оддий инсонлар гуруҳига ёндашиш орқали биз тупроқ ва лой исини сезамиз”.

Мисрлик адиб Абд ал-Ҳаким Қосим унинг тўпламига қуйидаги фикрларни тақдим этади:

ولدي عزت القمحاوي....انا معجب بقصصك و انت تعرف ان الذي يعجبني قليل و اقتتاني بها  
ناشيء من اللغة ،انها امكانية تستحق التحية<sup>iii</sup>

“Ўғлим Иззат Қамҳавий ...Мен сенинг қиссаларининг шайдосиман.Сен биласанки,менга унча кўп нарса ёқмайди мени ўзига мафтун этган нарса бу ҳикояларингини тилидир.Бу эса уни қутлаш имконияти борлигидан далолат беради.

Иззат Қамҳавий бир неча бор телевизор орқали Мисрда Муаммо бўлиб келаётган саводсизликка қарши чиқишлар қилган.Ҳамда ана шу муаммоларни ўзининг ҳикояларида ҳам кўтарган.У айниқса ўзи туғилиб ўсган қишлоқ муҳитини аниқ равшан тасвирлайди .

Иззат Қамҳавий бу тўпламида Миср қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ,урф одатларини ёрқин ёритиб беради.Хусусан ,унинг “Ҳания ҳеч қачон нуқсонликка йўл қуймайди” тўпламида ҳикоялар қисқа бўлишига қарамай ,ёзувчи ҳаётнинг кўп жабҳаларини очиб беришга ҳаракат қилган.Иззат Қамҳавийнинг таъкидлашича бу воқеа дарҳақиқат содир бўлган.Бунини биз ҳикоянинг биринчи жумласидан билиб олишимиз мумкин.

هذا ما حدث بالضبط و لا يستطيع منصف ان يرمي هنية بالتقصير ،البنيت كانت ستموت علي اي حال<sup>iv</sup>

“Дарҳақиқат бу воқеа содир бўлган булиб ,Ҳанияни ҳеч қандай иш тутмади деб айблаш адолатли бўлмас эди.Чунки қиз қай аҳволда бўлмасин у барибир бу дунёни тарк этарди”

Маълумки,қишлоқ ҳаётининг турмуш тарзи жуда оғир.бунини биз нафақат Мисрда балки бошқа юртларда ҳам бу ҳолни учратишимиз мумкин.Иззат Қамҳавий ҳам асли Миср қишлоқларинининг биридан бўлгани сабабли ,ана шу ҳаётдаги камчиликларни юзага олиб чиқишга ҳаракат қилди.Ёзувчи ана шу воқеани шоҳиди бўлгани сабабли , илк жумлани мазкур гаплар билан бошлаган.Хўш ,воқеа қай йўсинда содир бўлди?.Ёзувчи тасвирлаётган Ҳания исмли аёл ким ?.Умри хазон бўлган қизчи.

Бу воқеа Миср қишлоқларининг бирида аянчли қисмат ила содир бўлди.Ҳикоянинг бош қаҳрамони бўлиш Ҳания исмли аёл ва бир асли қишлоқлик аёл бўлиб,бир қиз бир ўғилниг онаси эди .Бироқ тақдир тақазоси билан уч ёшлик норасида ўғлини ерга кўмди.Қизи эса бу дунёга ногирон бўлиб келган эди.Оллоҳ Ҳанияни жуда оғир синовлардан ўтказар эди.

Ёзувчи бу бахтиқаро аёлнинг ҳаётини ўта махзунлик билан тасвирлайди.

البنيت ليس لها حظ لها حظ لها حظ في لكن لا تزال تبكي و تلعن امها الحاجة التي لن تورده علي جنة و ما كانت لتصدق ان البنيت ستموت ، فقد دفنت منذ عام امها ، و منذ ثلاثة اسابيع و دعت ولدها ذا السنوات الثلاث<sup>v</sup>

“Қизчага бу дунёда яшаш насиб этмади, бироқ Ҳания йиғидан тўхтамай, доимо “Жаннатини бетини кўрмагур” қайнонаси “Ҳожа”ни лаънатлар эди. Қизнинг ўлимига ҳеч ҳам ишонмасди. Чунки бир йил олдин онасини, уч хафта муқаддам уч яшар ўғлини дафн этганди.

Юқорида зикр этилган жумлалар шундан далолат берадики, Ҳания учун бу ҳаётда яшамоқлик ўлим билан баробар бўлган. Чунки тақдир синовлари унга жуда қахрли келди. Бунинг сабаби Ҳания ҳар бир аёл орзу қилганидек бахтли аёл ҳамда меҳрибон она бўла олмади. Бахтиқаро бўлишига эса юқорида лаънатлаб кўрсатилган “Ҳожа” қайнонаси унга етказган озорлар сабаб бўлди.

Ҳаниянинг қайнонаси “Ҳожа” асли Миср қишлоқларининг биридан бўлиб, ўзини ўта ҳурмат қиладиган аёллар сирасига киради. Бироқ ўзини ҳурмат қилгани билан, оиласининг барча аъзоларига, хусусан, келини, ўғли, набираларига беҳурматсизлик хисси билан қарарди. Ҳаттоки келини бўлмиш Ҳаниянинг бошига не кулфатларни, қаттиқ азобларни солган. Набираларига эса доимо паст назар билан боқарди.

Эътиборимизни бир сўзга қаратсак “الحاجة” “Ҳожа”-бу исм нақадар муқаддаслиги барчамизга аён дир. Чунки одатда Ҳаж зиёратини адо этганларни “Ҳожа она” деб атайдилар. Ҳаж қилиб, Оллоҳ олдида покланганлар эса ҳеч қачон бировларга зиёнлари тегмаслиги зарур. Бу аёл –чи зиён қилиш у ёқда турсин, Ҳанияга жуда оғир меҳнатларини қилдиран ҳамда хунук сўзлар билан таҳқирлар эди. Ҳания эса қайнонасининг гапларини ичига солиб, унга чурқ этолмай, йўқотган фарзанди ҳамда ногирон қизи учун куярди. Чунки бу дунёда энг яқин жигарпорасини йўқотиш, барча аёллар учун фожеа билан баробар дир. Ҳания доимо сабр-косаси тўлган пайтда, юрги ёзиб, нола қиларди.

و الله ان جاني البخت لاقوله

خلي شويه يا بخت ما تميلوش كله<sup>vi</sup>

“Оллоҳ ҳаққи, гар мен бахтга дучор бўлсам

Унга айтардим бир калом

Эй бахт, оз бўлса ҳам ато этгил менга, Ташлаб кетмагин батамом

Ҳаниянинг бу ички манологи халқ марсияларидан бўлиб ,ҳеч бир инсоннинг юрагини тирнамасдан ўтиб кетолмайди.Бахт –бу нақадар тотли сўз .Бунга ҳар бир инсон эришишни ёшлигидан орзу қилади.Бахт,мухаббат ,толе каби сўзларнинг барчаси бир –бирига чамбарчас боғлиқдир.Ҳания ҳам доимо бахт сари интилар,бирор кимсани чин кўнгилдан севиб қолишни жуда истар эди.Шу ўринда савол туғилиши мумкин.Ҳаниянинг умр йўлдоши йўқми?.Бор бўлса улар бир –бирларни севмайдиларми? .Асло,Ҳаниянинг умр йўлдоши бор .Унинг исми Саъд .Бироқ Саъд иродасизлик туфайли ,онасининг раъйига қарши чиқолмайди.Онаси нима деса,ўша ишни бажаради.Саъд ва Ҳания севги –мухаббатга тўла бу ҳаётдан баҳри ололмай ,эртаю-кеч тиним билмай меҳнат қилардилар.Саъд хайдовчи бўлиб ,савдо марказига одамларни ,онасини , паррандаларни ташир эди.Ҳания эса эртаю кеч тандир ёнида туриб,нон ёпар ,қайнонаси эса пишган нонларни савдо марказига сотиш учун олиб борар эди.Ёзувчи қўйидаги жумлада Ҳаниянинг меҳнат қилиш жараёнини жуда нозик дид билан тасвирлайди:

وجهها متورد كلب الذبيحة و ابنة الشهور التسعة متكومة بجوارها كعجوز هزمها الدهر ،الراس  
مدبب تطاير شعره ،العينان غائرتان لكن لهما نظرة تخترق قلب هنية كسيخين محمين ،تمنت لو القت  
بالمطرحة علي الارض لتلدها صحيحة من جديد ،فاض الدمع من عينيها و جري شلالات علي  
الحدين ،اليدان لا تكفان عن ضرب العجين بالمطرحة في الهواء حتي يرق و تتسع دائرته فتلقمه للفرن  
المتجج بعود الحديد تخرج الارغفة الناضجة لترصها في عمود يتناول<sup>vii</sup>

“Унинг юзи курбонликка келтирилган кўйнинг жигари каби қип-қизилдир.Тўқиз ойлик қизи эса унинг ёнида тақдирга тан берган қария каби сочлари тўзиган холда ғужанак бўлиб ётар,маъюс нигоҳи эса эса Ҳаниянинг юрагига ўткир санчиқ каби ботарди.Қани энди қўлидаги асбобини ерга отиб юборсаю ,фарзандини бағрига босиб ,унга алалар айтса ҳамда уни вужудига солиб қайтадан соғлом туғилишини жуда истар эди.Кўзларидаги ёш эса яноқларининг устига дув –дув оқар ,қўллари эса хамир ҳавода мушглаб ,уни доира шаклига келтириб уни қизиган тандирда ёпиб ,темир таёқ билан чиқариб ,узун устунга бир текис қилиб таҳлашдан бушамас эди”.

Мазкур жумлада ёзувчи нафақат Ҳаниянинг машаққатли меҳнатини балки унинг норасида гўдагининг ташқи қиёфасини ҳам тасвирлаган.Ҳаниянинг фарзандига нисбатан бўлган меҳр –мухаббати

чексиздир. Ҳар қандай она учун фарзандан азиз мавжудот бўлмаса керак бу ёруғ оламда. Ҳания иккала суянчиғидан ҳам айрилди. Энди унга ҳамдард бўладиган бирор кимса қолмаганди. Одатда аёл кишининг энг яқин маслакдоши бу унинг умр йўлдошидир. Бирок Ҳанияга бу бахт насиб этмади.

Хулоса ўрнида Иззат Қамҳавийнинг “Тупроқ ва лой диёрида содир бўлди” китобида орзулар дунёси ва болалик дунёси, биринчи экстазия, биринчи маҳрум бўлиш учун очиқлик тажрибаси, содда бўлишига қарамай, бу ерда имконсиз тушлар, азобланган инсонлар ҳаёти гавдалантирилди. У оддий ҳикояларда қишлоқ ҳаётини ва ундаги содда инсонларнинг ички кечинмаларини яққол ўқувчига ифода этган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. حدث في التراب و الطين(قصص-دار سعاد الصباح1992).
2. Х.А. Р. Гибб “Арабская литература”1946. Москва
3. Ф. Штинский “Арабская литература” 1970. Москва
4. مواقيت البهجة.  
(قصص- هيئة قصور الثقافة سلسلة اصواتادبية 2000)
5. الحارس (رواية- طبعة اولي دار العين).
6. Р.Ходжаева “Замонавий араб адабиёти” 2000. Тошкент

<sup>i</sup> Тўпламнинг орқа ғилофида берилган

<sup>ii</sup> “حدث في بلاد التراب و الطين” тўплам охирида берилган

<sup>iii</sup> Тўплам орқа ғилофида берилган.

<sup>iv</sup> حدث في بلاد التراب و الطين. ص 65

<sup>v</sup> حدث في بلاد التراب و الطين ص 65

<sup>vi</sup> حدث في بلاد التراب و الطين ص 66

<sup>vii</sup> حدث في بلاد التراب و الطين ص 66